



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 8 » февраль

№ 58

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикасида “Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонасини ташкил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ–4247-сон қарори ижросини таъминлаш, давлат буюртма кўриқхонаси ҳудудида алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни, ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолиш ҳамда уларни қайта тиклаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ ва Кўнғирот туманларида юридик шахс ташкил қилган ҳолда, умумий майдони 280 507 гектар бўлган давлат табиати муҳофаза қилиш муассасаси шаклидаги “Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонасини (кейинги ўринларда – буюртма кўриқхонаси) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкаларининг майдони 1-иловага мувофиқ;

“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонасининг кўриқланма зоналари майдони 2-иловага мувофиқ;

“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) буюртма кўриқхонаси участкаларининг кўриқланма зоналаридаги ерлар ушбу ҳудудларда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади;

б) буюртма кўриқхонаси Давлат экология кўмитасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

в) буюртма кўриқхонасининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси бюджети маблағлари, Давлат экология кўмитасининг Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) “Судочье кўллар тизими” участкасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда балиқ овлашга, кўлдаги гидрологик ҳолатни яхшилаш мақсадида кўл тубини тозалаш тадбирларига ҳамда квота асосида қамиш ўсимлигидан фойдаланишга рухсат этилади;

д) буюртма кўриқхонасининг:

“Судочье кўллар тизими” участкасида – қирғоқ ландшафтлари, каналлар, коллекторлар ва улардаги сув оқими, сув, сув атрофида яшовчи қушлар, ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган балиқлар, йиртқич қушлар ва сут эмизувчи ҳайвонлар;

“Акпетки” участкасида – сувда ва сув атрофида яшовчи қушлар, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган йиртқич қушлар, сут эмизувчи ҳайвонлар муҳофазага олинадиган асосий объектлар ҳисобланади.

4. Давлат экология кўмитаси икки ой муддатда:

буюртма кўриқхонаси ва унинг кўриқланма зонаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

буюртма кўриқхонасининг штатлар жадвали тасдиқланишини ва малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

2021 йил якунига қадар Судочье кўлини халқаро аҳамиятга (Рамсар конвенцияси) эга бўлган сувли-ботқоқ жойлар рўйхатига киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши уч ой муддатда:

“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонаси тўғрисидаги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда буюртма кўриқхонасининг ижро этувчи аппарати учун Мўйноқ туманида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бино ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда буюртма кўриқхонасининг ер участкалари ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

7. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А.И. Мақсудов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси К.Р. Сариев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “8” февралдаги 58 -сон қарорига
1-илова

**“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонасига доимий
фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкаларининг
МАЙДОНИ**

Худуд номи	Олдинги ердан фойдаланганлар	Бериладиган ер участкалари майdonи (га)	Берилаётган ерларнинг тоифалари
I. “Судочье кўллар тизими” участкаси			
Мўйноқ тумани	Захира ерлар	84 702	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар
Жами:		84 702	
II. “Акпетки” участкаси			
Мўйноқ тумани	Захира ерлар	195 805	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар
Жами:		195 805	
Умумий ер майдони:		280 507	


Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 8 ” февралдаги 58 -сон қарорига
2-илова

**“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонасининг
кўриқланма зоналари
МАЙДОНИ**

Худуд номи	Бериладиган ер участкалари майдони (га)
I. “Судочье кўллар тизими” участкаси	
Мўйноқ тумани	45 178
Қўнғирот тумани	7 760
Жами:	52 938
II. “Акпетки” участкаси	
Мўйноқ тумани	389 285
Жами:	389 285
Умумий ер майдони	442 223

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 8 ” февралдаги 58-сон қарорига
3-илова

**“Судочье-Акпетки” давлат буюртма кўриқхонаси ижро этувчи аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони – 20 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “8” февралдаги 58 -сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги 375-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди “в” кичик бандидаги “бошқармалари” сўзидан кейин “шунингдек, тизимдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар” сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 1-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Давлат экология қўмитаси тизимига қуйидагилар киради:

Давлат экология қўмитасининг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) инспекциялари;

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази;

Давлат экологик экспертизаси маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат экологик экспертизаси марказлари;

Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш марказлари ва уларнинг филиаллари;

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази;

Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази;

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти;

“Эко-энергия” илмий татбиқ этиш маркази”;

Ҳисор давлат қўриқхонаси;

Зомин давлат қўриқхонаси;
Сурхон давлат қўриқхонаси;
Нурота давлат қўриқхонаси;
Қизилқум давлат қўриқхонаси;
Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси;
“Сайгачий” мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси;
“Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи;
Хоразм миллий табиат боғи;
“Сайхун” давлат буюртма қўриқхонаси;
“Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонаси;
Қуйи Амударё давлат биосфера резервати;
“Жайрон” Бухоро ихтисослаштирилган питомниги;
Биолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси;
Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси;
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Тоза ҳудуд” ДУК, уларнинг туман (шаҳар)лардаги филиаллари”.

